

БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЕЖАМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

К/х.ф.н., доц. Матякубов Бахтияр Шамуратович, 2 - босқич магистрлар Муродов Отабек, Жумаев Фурқат. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти.

Аннотация

Бугунги кунда Республикамизнинг қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга, хусусан қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда сувни тежайдиган суғориш технологияларни қўллашни кенг жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Таянч сўзлари: Арид, суғориш усуллари, шўрланиш, сувдан фойдаланиш самарадорлиги, сувдан фойдаланиш режаси.

Сув ресурсларининг танқислиги шароитида республикамизнинг арид (жанубий) минтақаларининг суғориладиган майдонларида инновацион суғориш усуллари ва суғориш технологияларини қўллашни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан арид минтақаларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш, сув исрофгарчилигини 15-20 %га камайтириш ва мелиоратив ерлар ҳосилдорлигини 2-3 маротабага ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Республикамизнинг асосий сув таъминоти Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари ва шу жумладан, 55 та сув омборлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш амалга оширилиб, сув ресурслари миллий бойлигини 500 та табиий кўл ҳамда 1448 та булоқлар ташкил этади [1].

Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экинларни суғоришда сувни тежаш, уни сифатини ошириш, тупроқни эгат буйлаб бир текис намланишини таъминлаш ва сувнинг оқава исроф бўлишини камайтириш бўйича кенг камровли агротадбирлар амалга оширилмоқда [2].

Маълумки, Бухоро вилоятининг суғориладиган ер майдонлари 274612 гектар бўлиб, шундан 38903 гектари (14.2 %) шўрланмаган ерлар, 169570 гектари (61.7 %) кучсиз шўрланган ерлар, 59494 гектари (21.7 %) ўртача шўрланган ерлар ва 6645 гектари (2.4 %) кучли шўрланган ерлар ҳамда 235709 гектар (85.8 %) умумий шўрланган ерлар ҳисобланади (1 - диаграмма) [3].

Бундан қарийб 85 йил аввал, яъни 1932 йилда О.W.Israelsen томонидан “сувдан фойдаланиш самарадорлиги” фанга киритилганлиги сув ресурсларидан нечоғлик тежаб фойдаланиш зарурати ўша даврларда ҳам долзарб вазифа бўлганлигини кўрсатади [4].

Ҳозирги кунда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш энг устивор вазифалар бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирда биз сув етказиб берувчи ва сув истеъмолчиларининг сувга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришимиз, сув ресурсларидан фойдаланишда кузатилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишимиз жуда муҳимдир.

Фермерлар, сувчилар ва мутахассис кадрлар билан суҳбатлашиш натижасида аксарият жойларда қуйидаги муаммолар борлиги кузатилди. Булар:

1. фермерлар мутахассис кадр эмаслиги, фермер ва фермер хўжалиги ишчиларининг суғориш канали ва зовур тармоқлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслиги (чизикли схемалари йўқлиги).
2. Сув тақсимлаш жойларида иншоотларнинг таъмирталаблиги.
3. Сув тақсими иншоотларидаги сув тақсимлаш талаб даражасида эмаслиги.
4. СИУ ва фермер хўжалиги ички ариқларининг лойқага тўлиб қолганлиги.
5. Сув чиқариш насослари эскирганлиги (тўлиқ қувват билан ишламаслиги).
6. Фермер хўжаликликларида сув олишқулоқларининг йўқлиги.
7. Тупроқ ўзанли каналлардаги сув йўқотилишининг юқорилиги.

8. Сувдан нотўғри фойдаланиш оқибатида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви
9. Сув тақсимотининг бузулганлиги.
10. Суғориш тармоғининг қуйи қисмида жойлашган фермерларга сувнинг етиб бормаслиги.
11. Керакли микдорда фермерларга сув боришини таъминлаш учун янги кичик канал олиш масаласи ва бошқалар.

Фикримизча юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак деб ўйлаймиз.

1. Сувчи ва мутахассис кадрларга давр талабидан келиб чиқиб маслахатлар бериш, уларни қизиқтирган мавзулар бўйича ўқитиш.
2. Жойларда маслахат марказлари очиш ва кучли мутахассис кадрларни фермерлар ва уларни ишчиларини ўқитиш учун жалб қилиш.
3. Фермер - дехқон юқорида таъкидлаганимиздек экиннинг сувга бўлган талабини билишини йўлга қўйиш.
4. Фермер ва сувчиларни қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиби тўғрисида маълумотга эга бўлишини таъминлаш.
5. Сувчиларга “Сувдан фойдаланиш режаси” тўғрисида маълумот бериш ва керакли маълумотларни йиғишни ташкил қилиш.
6. Сувдан фойдаланиш режасини (СФР) ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш.
7. Сувдан фойдаланиш режаси асосида сув тақсимотини амалга ошириш.
8. Жойларда яъни фермерлараро сув олиш учун талабномани йўлга қўйиш.
9. Сув тақсимотини сувга бўлган талаб асосида йўлга қўйиш.
10. Сув олди берди журнали жорий қилиш.
11. Сув тежаш усулини қўллаш масаласига асосий этиборни қаратиш.
12. Юқори самарали замонавий суғориш усулларини қўллаш.
13. Сув ўлчаш асбоблари ва иншоотлардан тўғри фойдаланишни амалга ошириш.
14. Фермерлар суғориш ерларини текислашини амалга ошириш.
15. Ерларни экишга тайёрлаш ва тупроққа ишлов бериш.
16. Фермер хўжалик ерларидаги тупроқ шўрланишини олдини олиш бўйича маслахатлар бериш.
17. Ҳар бир бажариладиган ишларининг экологияга таъсирини ўрганиб чиқиш ва шу асосида ишларни ташкил қилиш, ва бошқалар.

Юқорида келтирилган ишларни бажариш натижасида сув ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб даражасида йўлга қўйиш мумкин. Ҳар бир қилинадиган тадбир негизида қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олиш, сувни тежаш ва охир оқибат фермер хўжалик ер эгаларини даромадини ошириш ётади.

АДАБИЁТЛАР

1. Авлиёкулов А.Э. Мамлакатимиз деҳқончилик тизими истиқболлари. Монография. - Тошкент, “NISHON NOSHIR”, 2015. - Б. 600.
2. Шамсиев А. С. Катор орасини мулчалаб суғориш орқали ғўзанинг сув истеъмолини мақбуллаштириш // Докторлик диссертацияси автореферати. - Тошкент, 2015. - Б. 22.
3. Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Вилоят мелиоратив экспедицияси 2018 йилги ҳисоботи.
4. Israelsen O.W. - 1932. (1st Edition). Irrigation Principles and Practices. John Wiley, New York.